
ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ

Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Зиявитдинов томонидан шаҳардаги Халқ қабулхонасида қабулхона мудирини Зоҳиджон Ҳомидов иштирокида навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Мазкур қабулда жами 31 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида тадбиркорлик, уй-жой, моддий ёрдам, ер, асфальт, банк кредитлари, бандлик, соғлиқни сақлаш, бола нафақаси, газ, электр ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олиниб, 9 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 5 мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2021-10-27 14:15:49